

(1603-йил 23-август, Урганч – 1663-йил апрел, Хива)
(1644-1663)

Хива хони, шайбонийлар сулоласидан, тарихчи ва табиб. Абулгози Баходирхоннинг огалари Хабаш султон ва Элбарс султон оталари Араб Мухаммадхонни енгиб, уни Кум калъасига камадилар. Отасининг тарафдорлари бўлган катта огаси Асфандиёр Эронга, Абулгози Баходирхон эса Бухорога Имомкулихон хузурига кочди. 1623-йилда акаси Асфандиёрхон Хива тахтини эгаллагач, Абулгози Баходирхон Урганчга ҳоким қилиб тайинланди. Лекин Асфандиёрхон билан ўрталарида низо чиқиб, Абулгози Баходирхон 1627-йилда козок хони Эшимхон хузурига кочди; кейин икки йил Тошкент ҳокими Турсунхон билан бирга бўлди. Кўп ўтмай, туркманларнинг таклифига биноан у яна Хоразмга қайтди. Асфандиёр уни Хива ҳокими қилиб тайинлашга мажбур бўлди. 1629-йилда туркманлар Эронга тобе бўлган Нисо ва Дорунни босиб олдилар. Асфандиёрхон Эрон билан муносабатларнинг тамоман жиддийлашиб кетишидан чўчиб, айбни Абулгози Баходирхонга тўнкади ва уни 1630-йил кишида Эрон подшохи хузурига гаров тариқасида юборди. Абулгози Баходирхон шу тариқа 10 йил Эронда, Исфохон яқинидаги Таборак калъасида камокда яшади. 1639-йилнинг ёзида у туткунликдан қочишга муваффақ бўлди. Абулгози Баходирхон бир неча йил тахт учун кураш олиб бориб, нихоят 1644-йилда ҳокимиятни ўгли Анушахонга топширди. Абулгози Бухоро хони Абдулазиз билан Субҳонкулихон ўртасидаги рақобатга ҳам аралашди, чунки, Субҳонкулихон Абулгозининг жиянига уйланган эди. Бухоро хони билан сулҳ тузишга эришилди. Шунга қарамай, Абулгозихон 1663-йили етти марта Бухоро хонлиги устига юриш уюштирди: Қоракўл, Чоржўй, Вардонзе туманларини талон-тарож қилди. У Бухоро хони Абдулазизхон даврида Бухорога кўпгина талончилик юришларини олиб борган. Унинг босқинчилик юришлари Бухоро хонлигининг сиёсий ва иқтисодий аҳволига ёмон таъсир кўрсатди ва ижтимоий-сиёсий аҳволни мураккаблаштириб юборди. Абулгози қабила бошликлари нуфузини ошириш билан уларнинг марказий ҳокимиятга қарши хатти-ҳаракатларига барҳам бермокчи бўлди. У хонликдаги барча қабилаларни тўрт гуруҳга бўлди: қиёт-қўнгирот, уйгур-найман, қангли-қипчок, нуқуз-мангит. Бунда қабилаларнинг урф-одатлари, турмуш тарзи ва қариндошчилик алоқалари ҳамда жойлашган ери ҳисобга олинди. Мазкур тўрт гуруҳ яна ўн тўрт майда уруғлар ҳам қўшилган. Ҳар бир қабилавий гуруҳга боғлиқ – инок тайинланиб, хон шу инок орқали қабилага тегишли масалаларни ҳал қилган. Иноклар хоннинг энг яқин маслаҳатчиси сифатида саройда истикомат қилганлар. Абулгози Баходирхон саройида хон ҳашами 32 қабила бошлиғи – иноклардан иборат эди. Абулгози Баходирхон йирик тарихчи олим сифатида ҳам эътиборга сазовор. Унинг 9 бобдан иборат “Шажараи Турк” ҳамда “Шажараи тароқима” (“Туркманлар шажараси”) асарлари Ўзбекистон, умуман Ўрта Осиё тарихига оид қимматли манбалардан ҳисобланади. Абулгозихон “Шажараи турк” асари билан «Хоразм тарихчилик мактаби»га асос солган. Абулгози Баходирхон тиббиёт илмига оид “Манофиул инсон” (“Инсонга фойдали тадбирлар”) номли асар ҳам ёзган.

